



№ 15/28

«05» 04 2017 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги ПҚ-3095-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2017 йил 30 июндаги 872-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат (Мустақиллигининг 26 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича бошқарманинг тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва барча бандлари ўз вақтида ҳамда юқори даражада бажарилиши таъминлансин.

2. ЎР ТИВ «Кўчмас мулк билан ишлаш дирекцияси» (Ў.Хамдамов), «Ўздиптрансхизмат» (Б.Гулямов), «Амбассадор» (А.Отапов), «Дип-Нихол» Давлат мактабгача таълим муассасаси (М.Усманова), Улуғбек номли Тошкент халқаро мактаби (М.Максудбекова) раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ўз ташкилотлари бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва уларнинг бажарилишини таъминласинлар.

3. Мазкур буйруқнинг ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 июндаги ПҚ-3095-сонли «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар 2017 йил 30 июндаги 872-сонли буйруғи ва раҳбарият кўрсатмаси.

Бошқарма бошлиғи

А.Каюмов

Ш.Исамухамедова

Д.Мукимова